

## Кутубхона филиали

2018-йил 15-март куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 3-талабалар турар жойида институт кутубхонаси филиали очилиши бўлиб ўтди. Бу кутубхонанинг очилишида талабалар турар жойи директори З. Юлиев, институт ахборот ресурс маркази ходими Д. Собирова, 3-талабалар турар жойи мудир И. Қурбонов, “И ва М” факультети декан муовини Ж. Турдиев ҳамда 3-талабалар турар жойи педагог тарбиячиси А. Хайитова ва фаол талабалар иштирок этдилар. З. Юлиев ўз самимий тилакларини билдирдилар ҳамда кутубхонани бойитиш мақсадида қизиқарли бадиий китобларни олиб келишда ўз ҳиссаларини қўшишни талабаларга айтиб ўтдилар, шу жумладан китоб севар билимга чанқоқ “ҚСХЕА” факультети 1-босқич талабаси Н. Раҳимова ўз ташаббуси билан рус тили адабиётига мансуб бир неча китоблар тақдим этиб кутубхона жавонига ўз ҳиссасини қўшди. Талабалар турар жойида яшовчи талабалар кутубхона очилганлиги учун институт раҳбариятига ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.



**3-талабалар турар жойи педагог-тарбиячиси Азиза Хайитова ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**